

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 10 июнь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 110 (11.171)

Баҳоси эркин нарҳда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 9 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ВАЗИРИ, "ДУБАЙ ХОЛДИНГ" КОМПАНИЯСИ ИЖРОЧИ РАИСИ МУҲАММАД АБДУЛЛА АЛ-ҚАРҚОВИЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Мамлакатимиз раҳбари мөҳмонни юрти-мига ташири билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида олиб бораётган мулоқотларнинг изчиллашиб бораётганини, бу икки томонлама ҳамкорликнинг сурия ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йилнинг март ойида Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташири гоят самарали бўлиб, ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқди. Ташири асосида ҳавфсизлик, сайёҳлик, экология, илим-фан, қимматли қўроқлар бозори, шунингдек, сармо-вий, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкор-ликка доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташири асосида Президент Ислам Каримов Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Махтум билан учрашиб, ўзаро муносабатларга доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилди. 2007 йилнинг октябрида шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Махтумнинг Ўзбекистонга ташири чоғида мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармо-яларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, ташқи сийosat маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланган.

Ислам Каримовнинг Муҳаммад Абдулла

ал-Қарқовий билан учрашувида ана шу музокараларда эришилган келишувлар ҳаётга изчил жорий этилаётгани, ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликларини ўзининг Форс кўрфазидagi ишончли шериги деб билади. Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳам-кори сифатида қарайди. 2007 йилда мамла-катларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбош-лаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари сармо-ядорлари билан ҳамкор-ликка 68 қўшма корхона тўзилган. Улар озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади. Бирлашган Араб Амирликларининг энг йирик компания-ларидан бири бўлган "Дубай холдинг" ком-панияси Ўзбекистондаги қатор иқтисодий лойиҳаларда иштирок этмоқда.

Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сар-мо-вий ҳамкорликни ривожлантиришдан ман-фаатдор эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Бирлаш-ган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкор-лик алоқалари қўламини янада кенгайтириш, иқтисодий ва сармо-вий соҳада мавжуд им-кониятлардан тўларoқ фойдаланиш масала-лари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари, Аввало, Ўзбекистонга ташири асосида менга ва делегациямиз аъзоларига кўрсатилган юксак иззат-иқром учун самимий миннатдорлик изҳор этишга ихозат бергайсиз. Хусусан, менга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, Самарқанддаги қароғоҳингизда мөҳмон бўлиш имконияти яратилгани учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз билан учрашиб ва мамлакатларимиз ўртасидаги барча соҳалар бўйича ҳамкор-ликка доир муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилишга муяссар бўлганимдан гўят мамнунман. Икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳалар, савдо ва сармо-я, энергетика ва табиий ресурслар соҳасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, шунингдек, иқтисодий ривожланиш бўйича инфратузилма бар-по этиш ва таъриба алмашиш масалалари шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг Сизнинг доно раҳбарлигингизда барча жаҳонларда, шу жумладан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришган улкан ютуқлари ташири асосида менда катта таассурот қондирганини алоҳида қайд этмоқчиман. Ўзбекистон келгусида Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат сифатида ҳар томонлама тараққий этиб, гуллаб-яшашига қатъий ишонаман.

Корей Республикаси ҳукумати ўзининг стратегик шериги бўлган Ўзбекистон билан эришилган келишувларни амалга ошириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада муста-ҳкамлаш учун бор куч ва имкониятини ишга солиди. Муҳтарам Президент Жаноблари, икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни бундан бундан ҳам қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга ихозат бергайсиз.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига равақ тилаб билдирган эзгу истақларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Хан СИН СУ,  
Корей Республикаси Бош вазири

## ЁШЛАР ҲАҚИДА ҒАМҲЎРЛИК — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ЭТИШ БИЛАН БОғЛИҚ ҚАТОР ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА**

4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатасида Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масала-лари қўмитаси томонидан ташкил этилган, "Воёга етмаганларга оид қонун ҳужжатла-рини такомиллаштириш: амалиёт ва самар-дорлик" мавзусига бағишланган давра суҳ-бати бўлиб ўтди. Тадбирда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, вазирлик ва идора-лар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий муассасалар ва олий ўқув юрталари, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ривмавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, ГФРдан келган экспертлар иш-тирок эдилар.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА БРИФИНГ

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМҲАҚОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ҲАҚИДА**

Унда Франциянинг расмий, ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳ-лиш ва ишбилармон доиралари, Парижда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Катнашчилар Ўзбекистон Президентининг Фармони ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган-лигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғри-сида батафсил маълумот олдилар. Уларнинг эътиборига, шунингдек, мамлакатимизнинг сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбир-лар, қонун устуворлигига эришиш бўйича қилинаётган иш-ларга доир маълумотлар ҳавола этилди.

Брифинг катнашчиларининг фикрича, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини нишонлашга қар-тилган юксак эътибор ҳамда Тадбирлар дастури қабул қилиниши Ўзбекистон ҳукумати инсон ҳуқуқларини таъмин-

лаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш-нинг амалий механизми ва ҳуқуқий воситаларини яратиш ма-сала-сига устувор вазифа сифатида қараётганидан далолат бе-ради.

Таъкидланганидек, демократик ислохотларни амага оши-риш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш каби мақсадларга мамлакат раҳбариятининг сиёсий иродаси ва тегишли давлат стратегиясисиз эришиш мумкин эмас. Ўзбекистонда демокра-тик ўзгаришлар изчил ва тизимли равишда рўй бериб, жами-ятда демократик қадриятлар қарор топиб бораёти.

Тадбир иштирокчилари эътиборига мамлакатимизда ижти-моий-иқтисодий соҳада эришилаётган ютуқлар, турли миллат ва диний конфессиялар вакилларининг тинч ва оқилона ҳаёт кечираётгани, баркамол авлодини тарбиялаш учун мамлакатда яратилаётган шарт-шароитлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг рўёбга чиқарилаётганига бағишланган «Ўзбекистонга хуш келибсиз!» ҳужжати фильми ҳавола этилди.

Брифинг сўнгида «Авиценна-Франция» ассоциацияси аъзо-си Жак Манье «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлиб, учрашув борасидаги фикр-мулоҳазалари бил-лан ўртоқлашди:


— Францияда ўтказиладиган тадбирлар давомида мен Ўзе-бекистон тўғрисида жуда кўп янги ва қизиқарли маълумотларни олдим. Яқинда Франция Сенатиди ташкил этилган ва Ўзебеки-стонга бағишланган иккита конференцияда ҳам катнашдим. Жорий йилда бутун дунё Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декла-рациясининг 60 йиллигини кенг нишонлайди. Бу воқеа де-моқратик тараққийёт йўлини танлаган давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга экани айниқса қувонардир. Бугунги тадбир Ўзбекистон маъзур давлатлар сафидан муносиб ўрин олгани ва ушбу йўналишда муҳим натижаларни қўлга киритганини яққол намоён этиди, — дея таъкидлади Ж.Манье.

«Жаҳон» АА,  
Париж

**ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН КЕРАКЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА ИЗЛАНАЁТГАН «ТОШКЕНТ ПОДШИПНИКЛАР ЗАВОДИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ ҲАР БИР БУЮРТМАНИ ТЕЗ ВА СОЗ БАЖАРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛМОҚДАКИ, БУ ШУБҲАСИЗ, ХАРИДОРЛАР САФИ ОРТИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**

Саноат

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



## ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Яқинда ўтказилган тармоқ саноат ярмар-касидаги экспозициядан ҳам кўриниб тур-ибдики, корхона мутахассислари ўзлари-нинг кенг турдаги маҳсулотларини харидор-ларга тавсия этишмоқда, четдан келтири-ладиган бутловчи қисмлар ўрнини босувчи хилма-хил товарлари билан халқ хўжалиги ривожига муҳим ҳисса қўшишмоқда.

Кеска корхоналар сирасидан бўлган ушбу жамоа 1937 йилдан буён фаолият кўрсатиб, 1995 йилда бозор иқтисодиёти талаблари-дан келиб чиққан ҳолда масъулияти чек-ланган жамиятга айлантирилди. Хозирда корхона цехларида 50 нафар таърибали ишчи-хизматчи ва малакали мутахассислар қўзланган мақсад йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда, имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда.

Корхонада асосан қишлоқ хўжалик соҳа-си ва бошқа саноат ишлаб чиқарувчилари учун подшипник маҳсулотлари тайёрлана-ди. Бугунги кунда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика вазириклари, «Узгаросервис», турли таъмирлаш заводла-ри корхонанинг асосий буюртмачилари са-налади.

— Барча корхоналар қаторида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётимиз, — дейди корхона раҳбари Ҳамдам Абдуллаев. — Шу боис ҳам фа-катгина подшипниклар ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмасдан, маҳаллий-лаштириш дастурига кўра республикамиз-га четдан келтирилган қишлоқ хўжалик техника ва жиҳозлари учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Хозирда ана шундай эҳтиёт қис-

мларнинг 13 хилини тайёрлаб берамиз. Улар бемалол хорижий деталлар ўрнини босиши баробарида, биринчи арзонли-ги билан афзалдир. Бундай эҳтиёт қисмларимиз, айниқса дон ўрувчи «Кейс-комбайнида», «Алтай» ҳайдов трактори ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Шунинг-дек, мутахассисларимиз яқка тартибда-ги буюртмаларга кўра ностандарт жиҳоз-лар ҳам тайёрлашмоқда.

Маҳсулот тайёрлаш учун маҳаллий ҳамда Россия, Украина, Хитой давлатларидан кел-тирилган ҳам ашёдан фойдаланилмоқда. То-варлар сифатини таъминлашда эса хорижий дастгоҳлар қўл келмоқда. Тадбиркорлар кел-гусида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўпроқ буюртмачиларни жалб этиш, маҳсу-лот турларини кўпайтириш мақсадида изла-нишмоқда. Улар айна пайтда республика-мизда ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлашни режа-лаб туришибди. Янги техника ва техноло-гиялар асосида ички бозор учун тайёрлана-диган ушбу деталлар сифатини ошириш учун дастгоҳларни мослаштириш лозим.

Янги лойиҳа амалга ошиши натижасида корхонада қўшимча 35 та ишчи ўринлари яратилади.

Шарифа ИЛЁСОВА

**СУРАТДА:** корхона цехларида тай-ёрланаётган рақобатбардош подши-пниклар ва сифатли бутловчи қисмлар цехларида меҳнат қиладиган ишчи-хиз-матчиларнинг изланишлари самараси-дир.

Ҳакимжон Солихов олган сурат

## Кеска сатрларда

● **БУГУН** Тошкент ша-ҳар жанубий темир йўл вокзалига ёзги таътилни Тошкент вилоятида-ги оромгоҳларда ўтқа-зишни мўлжаллаган қорақалпоғистонлик мактаб ўқувчиларини кутиб олиш маросими уюштирилди.

● **БУГУН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида мак-таб ўқувчилари ўртаси-да уюштирилаётган «Яшил чироқ» кўрик-

танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДА** жойлашган Россиянинг Ўзбекистондаги элчихо-насида ўтказилган ада-бий кеча буюк рус шо-ири Александр Пушкин-нинг ижодий мероси-га бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Сав-до-саноат палатаси ҳамда БМТнинг тарақ-қиёт дастури ҳамкор-ликларида уюштирил-ган форумда янги таъ-рирдаги Солиқ кодек-сининг жамият Тарақ-қиётидаги роли муҳока-ма қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасида қонунлар лойиҳаларини қўмиталар-да кўриб чиқишни такомиллаштириш ма-сала-ларига бағишланган навбатдаги семи-нар бўлиб ўтди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Қонунчилик па-латаси депутатлари, Адлия вазирилик ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-нинг амалга оширилиши устидан монито-ринг қилиш маркази, Ўзбекистон Респуб-ликаси ИИВ академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда ОАВ ходимлари иш-тирок этди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик пала-тасининг Демократик институтлар, нодав-лат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-даги Ўзбекистон Халқ демократик парти-яси фракциясининг йиғилиши ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зириликда вазирилик ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширили-ши устидан мониторинг қилиш маркази ходимлари ва Республика Давлат бошхо-на қўмитаси вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Қарши шаҳрида Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида «Оиладан бошланар Ватан» деб номланган маданий-маърифий кеча ташкил этилди.

● Фарғона транспорт касб-хунар кол-лежида Ўзбекистон — Швейцария ҳамкор-лигида таъбиқ этилаётган «Касбий кўник-маларни ривожлантириш» лойиҳасига доир тадбирлардан бири амалга ошди, яъни коллежда «Автоматлаштирилган тизимлар-ни таъмирлаш, соғлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш» мутахассислиги жорий этилди. Янги ўқув йилида мазкур йўна-лиш бўйича 30 нафар ўқувчининг билим даргоҳига қабул қилиниши режалашти-рилмоқда.

● Андижон туманидаги Хартум қишло-ғида хусусий тадбиркор Низомиддин Зу-лунов ташкил этган «Авангард» тикувчи-лик цехи қишлоқ ёшларидан 36 нафари-ни иш билан таъминлаш имкониятини яратди.

● Зомин туманида «Саломатлик масла-ҳат маркази» ташкил этилди. Тумандаги мавжуд 86 та қишлоқ ва маҳалла фуқа-ролар йиғини, 5 та касб-хунар коллежи ва 79 та умумтаълим мактаблари қошида ушбу марказнинг бўлимлари очилди. Уларга туман марказий касалхонасининг таърибали шифокорлари бириктириб қўйилди.

● Сурхондарё вилояти табиати муҳо-фаза қилиш қўмитасининг «Табиат» илмий-тадқиқот марказига автоном фотоэлект-рик мини- станция ўрнатилди. Аҳоли яшаш пунктларидан узоқда жойлашган марказ-да эндиликда фотоэлектрик станция воси-тасида Қуёш энергияси электр ва иссиқ-лик қувватига айлантириб берилади.

## ЖАҲОНДА

● Венесуэла Президенти Уго Чавес ко-лумбиялик исёнчиларнинг янги раҳбари Альфонсо Канони асир олганларни озод қилишга чақирди.

● Эрон Президенти Махмуд Ахмадина-жот мамлакатнинг етакчи банкларига Ев-ропадаги молия ташкилотларидаги ҳисоб-ларда сақланаётган барча маблағларни Эрон марказий банкига ўтказиш тўғриси-да буйруқ берди.

● АҚШ ва Европа Иттифоқи ўртасидаги саммит Словенияда бўлиб ўтади.

● Нью-Йорк товар биржасида ўтказил-ган савдоларда бир баррел нефтнинг нар-хи 134,35 долларга кўтарилди.

● Донецкдаги метан гази портлаган шахтада ҳамон бедарак йўқолган 12 на-фар қончини қидириш ишлари давом эт-моқда.

● АҚШнинг марказий штатларида рўй берган кучли сув тошқинлари туфайли 8 киши ҳаётдан кўз юмди, 30 та ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Франциянинг Бордо шаҳрида узоқ ма-софага оғир юк ташувчи юк машиналари-нинг 200 дан ортиқ ҳайдовчиси ёнилғи нархининг кескин ошиб кетиши муноса-бати билан шаҳар йўллари бир неча со-атга ёпиб қўйиш орқали норозилик бил-дирди.

● Буюк Британия Ички ишлар вазири-гининг расмий сайтига ҳакерлар ҳужум қилишди. Компьютер бузғунчилари маз-кур сайтга Италия банки ходимлари но-мидан кириб, фойдаланувчиларнинг шах-сий паролини билиб олган.

● Хитойнинг Шэньчжэн шаҳридаги фаб-рикада кислота сақланаётган идишнинг портлаши натижасида қирқдан ортиқ иш-чилар ҳар хил даражадаги кимёвий куй-иш жароҳатларини олдилар.

● Австрия Европа чемпионатида футбол безориларининг кириб келишининг олди-ни олиш мақсадида Шенген шартномаси-га зид бўлса-да мамлакатга кириб келув-чиларни текшириш ишларини кучайтирди. Бу ҳолат 29 июнь — Европа чемпионати якунига қадар давом этади.



ПОЙТАХТ ШАХРИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ ТҮЙИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ ҲАҚИДАГИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ТОШКЕНТ ШАХРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ҲАҚИДА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ХАЛҚИМИЗГА ЕТКАЗИШ БОРАСИДА ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ҲАҚИДА.

ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Хусусан, Шайхонтохур туманидаги Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа уйида туман ҳокимлиги, «Узархив» агентлиги ишчи-ҳодимлари, «Сузуқ ота» маҳалласи аҳли иштирокида ўтказилган тадбир ҳам Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилди. Тадбирда сўз олган тарих фанлари номзоди Н.Муҳамедов, «Сузуқ ота» маҳалласи фуқароси, шаҳар маҳалла-

лари тарихини ўрганувчи олим А.Обидов, «Узархив» агентлиги бош директори А.Абдуллаев ва туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Пўлатовалар қадимдан илмфан ва маданиятнинг йирик маркази бўлган Тошкент шаҳрининг буюк тарихи, юбилей муносабати билан пойтахтдаги тарихий обидалар, ёдгорлик ва қадимжолар таъмирланиб, кенг қўлам-

ли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, янги замонавий объектлар қад ростлаётгани, жойларда қутлуғ санага муносиб тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида тўхталиб ўтди. — Пойтахт шаҳримизнинг 2200 йиллигини муносиб нишонлаш унинг обрў-эътиборини янада ошириш билан бирга ўсиб келаётган ёшларимиз

қалбида она-Ватанга муҳаббат ва сародат туйғулари ҳам уйғотади, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайёҳон Пўлатова. — Шунинг учун ҳам Президентимизнинг юқоридаги Қарори ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 7 апрелдаги «Турар жой ва улар атрофидан оқилона фойдаланишни таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича тумандаги қорхона, ташкилот, касб-ҳунар коллежлари, мактаб ва маҳаллаларда турли тадбир ва учрашувларни ўтказиб келмоқдамиз. Токи ҳар бир ҳамшаҳримиз, айниқса ёшлар шаҳримизнинг қутлуғ тўйини муносиб нишонлашга ҳисса қўшишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб билсинлар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Фестиваллар

БОРЛИҚ БЕҒУБОР БЎЛСИН

ЯҚИНДА БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЭКОЛОГИК ФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ҲАҚИДА. ТАДБИР «ЭКОСАН» ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатган дипломатик корпус ва Халқаро ташкилотлар вакиллари, фан ва маданият намояндalари ва талабалар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Тошкент экологикаси болалар нигоҳида» мавзусидаги болалар расмлари ҳамда «Табиат ва инсон» мавзусидаги юртимизда фаолият юритиётган муҳир мўйқалам усталарининг кўргазмасини кўздан кендирилди. Беғубор қалблар чизган чизгилардаги атроф-муҳитга бўлган, меҳру муҳаббат, борлиқни асрашга қаратилган тасвирлар ҳеч қимми бефарқ қолдирмади. Жумладан, муҳир расмларимиз чизган жаннатмақон дийр тасвирлари, зилол тасвирлари-ю муқаддас замин жилолари, табиатнинг беэъза ва беэъзадилари бизни доимо эҳтиётланг, асранг ва авайланг дея барчани бирдай оғоҳликка чорлагандай бўлди.



Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Се-

натынинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Ф.Алиев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдурахимова, «Экосан» ташкилоти раиси Ю.Шодиметов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев сўзга чиқиб экологик аҳолини яхшилаш, она-табиатни асраб-авайлаш, унинг бетақрор бойлиқларини кўз қорачиқидек асраш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг қўламли дастур ва лойиҳалар, уларнинг бутунги кундаги аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Экофестиваль доирасида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Экология ва саломатлик кунлари» республика кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Голибларни аниқлашда худудларнинг санитария-экологик ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил этиш, уларни ободонлаштириш ва кўламзорлаштириш даражаси, ҳўжалик-ичимлик суви билан таъминланганлик, аҳоли ва ходимлар соғлиги каби қатор мезонлар ҳисобга олинди. Барча голибларга қўimmatбоҳо совғалар топширилди.

Миллий куй-кўшиқлар навоси остида Афғонистон, Озарбойжон, Миср, Эрон, Вьетнам, Қирғизистон, Туркменистон, Эрон, Латвия, Украина каби мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчиҳоналари вакиллари, шунингдек юртимизда фаолият олиб бораётган тожиқ, поляк, немис, корейс, грек миллий маданият марказлари аъзолари ўз халқ урф-одатлари ва миллий таомилларини намойиш этидилар.

Экофестиваль эстрада санъати усталари иштирокидаги концерт дастури билан яқунланди.

Гулҳебра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.



Иқтисодиёт

БУЮРТМАЧИЛАР СЕНИ ОРТМОҚДА

РЎЗБОРДА АСКОТАДИГАН, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ҲАҚИДА АКС ЭТТИРГАН, ШУ БИЛАН БИРГА ХОНАДОНЛАРИМИЗГА АЛОҲИДА ФАЙЗ БАХШ ЭТАДИГАН СЕРЖИЛО ВА ЖАРАНДОР ЧИННИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ҲАР ДОИМ ТАЛАБ КАТТА.

Айниқса, Тошкент чинчиларининг, миллий ифтихоримиз — пахта рамзини ўзида мужассам этган рангбаранг маҳсулотларнинг доврўи баланд. Юртимизда тадбиркорликка очилган кенг йўлда дадил одимлашга интилаётган хусусий тадбиркор Фотима Аҳмедова ўзининг кичик цехида оила аъзолари иштирокида изланмоқда, янгиликлар яратмоқда, ички бозорни харидорлар ва сифатли чинни маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Қарий 8 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб, чинни маҳсулотларига миллий йўналишда безак берамиз, — дейди Фотима Аҳмедова. — Бугунги кунга келиб чинчиларимиз тури 30 хилдан ортиб кетди. Уларнинг ҳар бирига безак беришда, сифатини оширишда харидор дид ва эҳтиҳиддан келиб чиқиб изланамиз. Айниқса, кейинги йилларда яратилган янги турдаги «Пахта», «Сарой жаҳоҳири», «Тонг» ва бошқа шу сингари чинни термаларимизга республикамиз вилоятларидан кўплай буюртмалар тушмоқда. Келгусида албатта ишлаб чиқаришни ривожлантириш режамиз бор.

Чиннисоз уста ўзининг қутлуғ 2200 йиллигини нишонлайдиган она шаҳримиз Тошкентнинг юбилейи муносабати билан янги турдаги чинни маҳсулотларини харидорларга тортиқ этишни ҳам ният қилган. Айни кунларда шу асосда изланишлар олиб борилмоқда ва улар жилвакор чинни буюмларида ёрқин акс этади.

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

БОЗОР ИҚТИСОДИ ШАРОИТИДА СИФАТГА ҚАРАТИЛГАН АСОСИЙ ЭЪТИБОР, АЛБАТТА ЎЗ САМАРАСИНИ БERAДИ. БУНИ БИЛИМДОН ВА ТАЖРИБАЛИ ТАДБИРКОРЛАР ЎЗ ФАОЛИЯТЛАРИДА ЯҚҚОЛ СЕЗИШМОҚДА. ШУ БОИС ҲАМ УЛАР ЎЗЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН НАФАҚАТ ИЧКИ, БАЛКИ ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ МУСТАҲҚАМ ҲАМ ТУРМОҚДА.

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «KLAND KON SHARQ» хусусий қорхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва дизайнига алоҳида эътибор қаратилади. Улар ички бозорни ўрганиш баробарида хориж бозорини назардан четда қолдиришмайди. Шунинг учун бўлса керак, тадбиркорлар астойдил изланишлари боис чет элчики билан бемалол рақобатлаш оладиган чарм маҳсулотлари билан харидорларни мамнун этишмоқда.

— Ҳозирда биз тайёрлаётган аёллар, эркаклар, болалар кийим-кечакларининг турлари 60 хилдан зиёددни ташкил этмоқда, — дейди қорхона раҳбари Абдукарим Абдурахмонов. — Албатта табиий чарм маҳсулотлари чидамлилиги билан ажралаиб туради ва хозирда ёшлар учун ҳам, ўрта ёшлиларга ҳам урф бўлган. Биз замонавий дастгоҳлар асосида терини ошлашдан тортиб тайёр маҳсулотлар яратишга бўлган жараёнларни ўзимиз амалга оширамиз. Маҳаллий хом ашёдан тикланган замонавий ва классик услубдаги либосларимизни ҳар йили модага қараб ўзгартириб борамиз. Утган мавсумда хотин-қизлар учун калта ва узун пальтолар, эркак ва ўсимирларга энгил куртка ва плашлар ишлаб чиқардик. Маҳсулотларни тайёрлашда турли мўйна хом ашёсидан ҳам фойдаланганимиз яхши самара берди.

Тадбиркорлар жорий йилда Хитой давлатидан янги дастгоҳ келтиришни режалашган. Шунингдек, қорхона маҳсулотларига Россия ва Қозғистондан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу эса экспортни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, «Чилонзор» ва «Чорсу» буюм бозорларида фаолият кўрсатаётган қорхонанинг фирма дўконлари доимо харидорлар билан гавжум. Бу, шубҳасиз, изланиш самарасидир.

Шарофат БАХРОМОВА

Транспорт

СТАНЦИЯДА ИШ ҚИЗГИН

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА ЯНГИДАН БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН ЙЎЛЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИДА ВА ТЕЗИОРАТ ПОЕЗДЛАРГА МОСЛАНГАН ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАЙТАДАН ТИКЛАШДА «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ ЧУҚУРСОЙДАГИ 203-ТАЖРИБА ЙЎЛ МАШИНАЛАРИ СТАНЦИЯСИНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ КАТТА БЎЛМОҚДА.

Йўл қурилиши ва таъмирлаш бўйича 2007 йил учун белгиланган вазифалар ортиги билан адо этилди. Далаузэр бекатидаги 9-йўлда салкам бир километр йўл тўб таъмирдан чиқди. Салор бекатидаги айланма йўлда ҳам йўлларга узун-улоқсиз рельслар қўйилди. Бундан ташқари Салор-Чуқурсой бекатлари оралигида бир километрдан зиёдрок темир йўли йиғиб олинди. Тўб таъмирлаш режалари 65 километр ўрнига 69 километрга еткази адо этилди.

НАМУНАЛИ ДЕПО

«ТОШЭЛЕКТРТРАНС» ДАВЛАТ КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДА БИР НЕЧА ДЕПОЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. 2-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ ЙЎЛВЧИЛАР УЗОГИНИ ЯҚИН ҚИЛИШДА ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА. ҲОЗИР БУ ЕРДА «ТАТРА» РУСУМЛИ ТРАМВАЙ ВАГОНЛАРИДАН 53 ТАСИДАН ФОЙДАЛанилмоқда. УСТ-КАТАВСК ҚОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЯНГИ ВАГОНЛАР ҚАТНОВИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

«Татрасервис» қорхонасининг қўли гул таъмирчилари трамвай вагонларининг бир маромида ҳаракатланишини таъминлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Маъмур депо таркибидаги транспорт воситалари сонини ошириш режалаштирилди. Ана шунга қўра Уст-Катавск қорхонаси яна бир неча вагонларни пойтахтимизга юборади.

Ақбар АЛИЕВ

ЁШЛАР ҲАҚИДА ҲАМҲЎРЛИК — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

етмаганларга оид қонун ҳужжатларимизни тақомиллаштириш, давлат болалар муассасалари ва ташкилотларида навқирон авлод таълим ва тарбиясининг мазмун-моҳияти ҳамда сифати, давлат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти очиқ-ошкорулигига эришиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар, қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Давра суҳбати яқунлари асосида иштирокчилар тегишли тавсиялар қабул қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси билан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг 6 июнда Андижон давлат тиббий институти биносида бўлиб ўтган кўшма сайёр мажлисида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятда ижро этилиши натижалари кўриб чиқилди.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни, буюк аждодларимизнинг кўп асрлик маънавий меросини, шунингдек, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг интеллектуал ютуқлари ва тажрибасини уйғун ўзлаштириш асосида тарбияланган ёш авлод, давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланганидек, қуч-қудратимизнинг энг асосий манбаидир.

Болаларимизни ўзаро уйғун миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, мустақил фикрлай оладиган, замонавий билимлари эғалланган, жамиятимиздан муносиб ўрин то-

ёшдан 30 ёшгача бўлган 393 минг йигит-қиздан 258 минг нафари ишга жойлаштирилган. Фақатгина шу йилнинг тўрт ойи мобайнида икки мингдан ортиқ ёлланма касаначилик ўринлари яратилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида турли тоифадаги ёшларни ишга жойлаштириш учун 50 мингга яқин иш жойи яратиш назарда тутилган. Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига меҳнат фахрийлари ва зиёлиларнинг намояндalарини жалб этишга катта эътибор берилмоқда.

Ёшларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш бешта олий ўқув юрти, 94 та касб-ҳунар коллежи, 11 та академик лицей ва 746 та умумтаълим мактаби орқали амалга оширилмоқда, уларда 611 мингга яқин ўқувчи ва талаба таълим олмақда. Иختисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида, «Меҳрибонлик» уйида, кам таъминланган оилаларнинг болалари учун мўлжалланган мактаб-интернатда, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатларда ижтимоий ҳимояга ҳамда давлат ёрдамига муҳтож 2600 дан ортиқ бола таълим ва тарбия олмақда.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш доирасида кам таъминланган 246 та ёш оилага бепул қорамол берилди, 2007 йилда шундай оилаларга тижорат банклари томонидан 8 миллиард 80 миллион сўмлик ипотека, истеъмол кредитлари ва бошқа турдаги кредитлар ажратилди. 2008 йилнинг биринчи чораги мобайнида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган муҳтож фуқароларга бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан 704,7 миллион сўм миқдорда пенсия ва нафақалар тўланди. Андижон шаҳрида мамлакатимизда энг катта Ёшлар маркази би-

носи қурилиши тугалланмоқда, энг янги техника воситалари ва технология ускуналари билан жиҳозланган бу қосонада 500 нафардан ортиқ ёшлар ишга жойлашади.

Шу билан бирга кўшма мажлисда сенаторлар ва депутатлар «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятида ижро этилишидаги мавжуд камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, ёшларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини ошириш, уларни истиқболдор илмий тадқиқотларда иштирок этишга жалб қилиш, ёшларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шу жумладан тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида вакиллик, ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида қабул қилган ижтимоий дастурларнинг бажарилишини назорат қилиш соҳасида етарлича иш олиб бораёттирлар. Муҳокама асносида ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари ўз вақтида ҳал этилишини таъминлайдиган қонунчилик базасини тақомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилди.

Муҳокама яқунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Шу кун «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш — давр талаби» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида миллий ғоя тарғиботи борасидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг ўзига хос шакллари ва усуллари тўғрисида, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳақида, шу соҳада олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишда таълим муассасаларининг ролу хусусида, ёшлар орасида миллий ғояни тарғиб қилиш, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш жараёнидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида амалий фикр алмашув бўлиб ўтди.

Тадбирларда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари, Хотин-қизлар кўмиталари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎЗА)

2008 — Ёшлар йили

БИТИРУВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

МУСТАҚИЛЛИКНИ ИЛК ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ ЁШЛАРНИНГ БАРКАМОЛ РИВОЖЛАНИШИ, ЖИСМОНИЙ, АХЛОҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.

Хусусан, Юнусобод туман ФХДБ бўлими қошидаги фаолият «Оила—жамият таянчи» деб номланган ёш оила қурувчилари мактабининг фаолияти ҳам айнан юқоридаги эзгу мақсадлар йўлида ташкил этилгани билан эътиборга сазовордир. Ушбу мактабининг фаолият бошлаганига эндигина бир йил бўлганига қарамай қисқа фурсат ичида тумандаги 9 та касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг балогат ёшига етган талабаларини қамраб олгани ва туман ФХДБ бўлимига ариза берган бўлажак келин-куёвларнинг 200 дан ортигини оила қуришга тайёрлашга ўз хиссасини қўшганини ҳисобга оладиган бўлса мактаб мутасаддиларининг хайрли ишга астойдил киришганларини ўз-ўзидан аён бўлади.

Ёш оила қурувчилар мактабини ташкил этишдан мақсад,— дейди, Юнусобод туман ФХДБ бўлими мудариси Марҳаматхон Йўлдошева,— ёшлар ўртасида оила саводхонлиги тарғиботини юксалтириш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ва ҳаётий билимларини ошириш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни оила қуришдаги ва унинг мустақамлигини таъминлашдаги муаммолар ечимини топиш ва бартараф этишга ўргатишдан иборат. Шунингдек, тингловчилар орасида халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарни тарғиб этиш оиланинг муқаддаслиги, унинг жамият таянчи эканлигини тушунириш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, дастурлари, Адлия вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг меъёрий ҳужжатлари билан оила қуриш бўйича қўйилган ёшларни таништиришга кенг ўрин ажратилган. Машғулотларимиз маъруза тинглаш, амалий машғулот ўтказиш, баҳс-мунозаралар ва ёшларни қизиқтирган саволларга тўла-қонли жавоблар олиш тартибидан ўтказилади.

Кўни кеча ушбу мактабининг биринчи битирувчилари ўртасида «Сиз турмуш қуришга тайёрмисиз?» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими вакиллари ва шаҳардаги барча фаол ёшлар иштирок этган ушбу тадбир гоятда қизиқarli ва мароқли бўлди. Турли соҳа мутахассислари, олим ва ҳуқуқ соҳаси мутасаддилари ёшлар билимини синовдан ўтказиб ўқув машғулотларига ўзларининг ижобий фикрларини билдирдилар.



Тадбир сўнггида ўқув йилини муваффақиятли тугатган тингловчиларга, мактабининг фаол иштирокчи ва қатнашчиларига эсдалик совғалари ва сертификатлар топширилди. Куй-қўшиққа уланган давра барчада илқ таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Оила—жамият таянчи» мактабининг якуний машғулотида лавҳалар



Тадбир сўнггида ўқув йилини муваффақиятли тугатган тингловчиларга, мактабининг фаол иштирокчи ва қатнашчиларига эсдалик совғалари ва сертификатлар топширилди. Куй-қўшиққа уланган давра барчада илқ таассурот қолдирди.

КЎРГАЗМАДА РАНГТАСВИР ЖИЛОЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА РЕСПУБЛИКА ЁШЛАР КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАДИ.

Ёшлар йилига бағишлаб ташкил этилган мазкур кўргазмада таниқли рассомлар билан бир қаторда ёш рассом ва дизайнерларнинг ижод намуналари ҳам намойиш этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Бадий Академияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бундай кўргазмалар юртимиз санъати ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга ёш рассомларга ўз ижод намуналарини кенг намойиш этиш имконини ҳам бермоқда.

Кўргазмадан манзара, натюрморт, рангтасвир, графика йўналишларида яратилган 600 га яқин асарлар ўрин олган. Унда иштирок этаётган малакали мутахассислар ёш ижодкорларнинг ишларини муносиб баҳолади. Кўргазмага қўйилган ҳар бир ижодий ишда табиатнинг ёрқин ранглари намён бўлган. Асарлардаги турли ранглар жиллолари кишини ўзига жалб қилмай қўймайди. Айниқса, пейзаж ва натюрморт жанрида ишланган асарлар санъат ихлосмандлирда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда рассомлар оламини ўзгача тасаввур қилиши, шу боис ҳар бир асар ўзига хос ва бетакрор эканлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур Ёшлар кўргазмаси миллий санъатимизнинг келажакига назар ташлашга имкон беради. Зеро соҳа истиқболли ёш ижодкорларнинг салоҳияти ва маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Кўргазма 26 июнга қадар давом этади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

СУВНИ ИФЛОСЛАНТИРМАНГ

Ёш оиларида соя-салқин жойларда, дарё бўйларидида дала ҳовлиларда мириқиб хордиқ чиқарганга нима етсин. Шундай жазирма кўнларнинг бирида биз уч-тўрт қариялар ҳам ийгилиши дам олгани Қибрай туманига чиқдик.

Бир танишим бор шуниқига кирамиз, ҳовлиси катта. Уйи ҳам нақ Бўзсув каналининг бўйида жойлашган. Шундоққина сувнинг устига уч-тўртта қаравот ўрнатган. Ушалардан бирини танласак кечгача мириқиб хордиқ чиқарамиз,— деди уфлатларимиздан бири жой масаласида бош қотирманглар деган мақсадда.

Белгиланган ҳовлига кириб бордик. Ўзбекона тақаллуфлардан сўнг хонадон эгаси бизни кална бўлиб жойи томон бошлади.

— Мана шу қаравотлардан хоҳлаганини танланг, ушанга жой қилиб берамиз. Ана қозон, ана ўтин, бемалол дам олаверинглар.

Чаққон хонадон эгалари бир зумда ҳамма нарсани бисёр этишди. Янги қўрпачалар тўшалиб, пар ёстиқлар қўйилган қаравотдан жой олди. Бир пиёла чойдан сўнг, қозонга ўтин ёқиб жаз-бизни бошлаб юбордик.

Уфлатларим орасида кексароғи мен бўлганим учун хизматдан ҳолиман. Ёношлар олганча мавжлаб оқаётган сувга тикиламан. Айни ёз палласи бўлгани учун канал бўйлаб лойқа сув оқяпти. Баъзан сув юзида оқиб келаётган турли чинкиндилар кўзга ташланади. Қузатиб турсам, улар орасида нямалар йўқ дейсиз. Елим идишлардан тортиб, эски-туски кийим-кечакларгача бор. Уларни қўриб ўзимча ўйланаман. Ахир яқин-яқинларгача тошкентликларнинг кўпчилиги қисми шу сувдан ичарди. Уша вақтларда сув юзида биронта хас-хус кўринмасди. Ахлат ёки чинкиди ташлаш ҳамма учун бирдек гуноҳи азим саналарди. Хатто сувга туپуриш ўтакетган маданиятсизлик ҳисобланарди. Эндичи? Ахир ҳозирда ҳам шаҳарнинг Юнусобод тумани оралиб Учтепа туманидан ўтиб

қишлоқ томон йўналиш оладиган бу сувдан ичадиганлар йўқми? Бор, албатта. Бизда сув етти думаласа тоза, деган гап бор. Лекин кўзга яққол кўриниб турган (майли кўринмасларини айтмай кўя қолайлик) чинкиндилар етти думалаш у ёқда турсин, минг, миллион думалаганда ҳам йўқ бўлиб кетмайдику? Шундай ҳаёлларда турсам хонадон эгаларидан бири бир челақ ахлатни кўз ўнгимда сувга тўкиб юборди. Унинг қилмишидан ранжиб тааж-жубланганимни кўрган уй бекаси сўз қотди.

Бир биз эмас, сув бўйидаги деярли ҳамма хонадонлар ахлатни сувга оқизади. Сал нарироқ чинкиндилар билан сув канал ёнгинасида қурилган дала ҳовлиларнинг кўпчилиги ҳожатхонаси йўналишини ҳам сувга тўғрилаб қўйишган.

Ана ҳолос, мен қўриб-кечириб ўтирганларим бу гапнинг олдида ҳолва экан. Сув — оби ҳаёт деймиз. Унинг томчисини олтинга тенглаштирамиз. Сувни авайлаб-асраш, оқар сувни ифлослантirmаслик ҳақида соатлаб гапиримиз, лекин кўпчилигимиз бу сўзларга амал қилмаймиз.

Сув — табиат томонидан инсонга берилган олий неъмат. Шундай экан, нафақат ун тежаш, хатто нон каби ун муқаддас билиб ифлослантirmаслигимиз керак. Илло, ҳеч қачон қай бири-сиз билиб-билмай сувга ташлаган ахлатимиз ўзгаларнинг тоза челагини ифлослантirmасин.

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Даврада меҳмондўстлик, хасислик, меҳр-оқибат, одамийлик ҳақида баҳс борар эди. Биродаримиз Аҳмад ота: «Тортишманглар, яхшиси мана бу ибратли ҳикояни эшитинглар» дея диққатимизни ўзига қаратди. Узоқ юртдан қайтаётди бир киши билан танишиб қолдим. У

менга қизиқ бир воқеани айтиб берди.

—Сафарда кетаётиб адашиб қолдим,—деди ҳамроҳим ҳикоясини бошлаб. —Бир уйга етиб келиб тун бўлгани учун тунаб қолмоқчи бўлдим. Хонадон соҳиб бири ёққа кетган бўлиб уйда хотини ва бола-чақалари бор экан. Улар: —Келинг меҳмон, хизмат? Сизни бироз танимайроқ турибмиз, имкон бўлса ўзингизни таништирсангиз? —деб сўрашди. —Мусофирман, адашиб қолдим,— деди мен.

Аёл ва болалари мени уйга тақлиф қилишди. Бир зумда олдимга дастурхон ёзиб хилма-хил таомлар келтириб қўйишди. Овқатлиб ўтирсам унинг ҳўжяини — аёлнинг эри келиб қолди. Мени қўриб болаларига ўшқириб кетди.

—Бу ким? —Мусофир экан. Адашиб қолибди,— дейишди улар. —Менинг у билан ҳеч қандай ишим йўқ. Айтинглар, хозир жўнаб кетсин.

Бошқа гапга ҳожат йўқ эди. Тун бўлишига қарамай, ўша хонадонни тарк этдим. Йўл юриб эртасига тунда яна бир хонадон эшиги олдида тўхтадим. Ночор эшикни қоксам бир аёл чикди.

—Ким бўласан, ярим тунда нега бизни безовта қиласан? —деб ўшқирди. —Мен мусофирман, йўлим олис, имкон бўлса бир кеча шу ерда тунасам,— дея илтимос қилдим.

—Менинг сен билан ҳеч қандай ишим йўқ. Ҳозир келган жойингга жўна,—дея мени ҳайдаб солди. Шу пайт ичкаридан аёлнинг эри чикди. У хотинидан: —Ким экан? —дея сўраган эди хотини:

—Мусофир экан, жой сўраб келибди,— деди. Эри менга: —Хўш келибсиз меҳмон, бемалол кираверинг, марҳамат,—дея ичкарига тақлиф этди. Кейин мени яхшилаб зиёфат қилди. Шу орада мен кула-қула кечаги во-

қеани айтиб, мени уйдан ҳайдаб чиқарган киши ҳақида гапириб бердим. Шунда у менга:

—Ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Кеча кўноқ бўлган уйингиздаги аёл ва унинг болалари менинг синглим ва жиянларим бўлади. Ўша аёлнинг эри эса хозир бизни эшик тағидан ҳайдаб солган хотинимнинг акаси,—деб жавоб берди. —Хикояни тинглаб бўлгач, даврадагилардан кимдир «қуш уясида кўрганини қилади» деганларини шу бўлса керакда, деб қўйди.

УМРНИНГ ГЎЗАЛ ҲАҚИ

Ҳаёт ҳар бир кишига улкан ва бебаҳо тўхфа инъом этади. Бу куч-қувватга тўла ёшлик. Билим ва курашга чанқоқлик, ишонч ва орзу-умидга тўла ўспиринликдир.

Агар ёшлик орзуси бўлмаганида инсон ҳаёти бир нуктада тўхтаб қолган бўлар эди. Кўпгина улғуғ гоғлар ҳаётлараст ёшликнинг беғубор палатига ниш урганлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳаётда ёшларга панду-насихат қилаётган кекса отахонларни кўрганимда Лукмонни Ҳакимнинг қўлидаги сўзлари ёдимга тушади. Ундан сўрадилар:

— Насихатларингизнинг кўпи ёшларга оид, аммо ёши катталарга қамроқ бўлади. Бунинг сабаби нима?

Ҳаётимизнинг ҳаётини ўзгариб, бир дарахт қўчқини ўтказиб, унинг атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаш, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман, яхши диққат қилиб тарбияласа тез вақтда дарахт воғна етади. Умумли ҳосил беради. Бола ҳам ёшлигидан бошлаб яхши тарбия қилинса, гўзал хулқли, одобли бўлиб ўсади. Шундай бола ота-онасига бахт-саодат келтиради. Жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун ҳам ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман. Насихатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлишининг сабаби ҳам ана шунда.

Уйлаймизки, бу гапларга изохнинг ҳождати йўқ.

МАЪЛУМКИ, ГИЁВАНДЛИКНИ ИНСОНИЯТ ГЕНОФОНДИГА СОЛАЁТГАН ХАВФИ ҲОЗИРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОСИ ЭКАНЛИГИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. БУ ОФАТГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ҲАР БИР ШАХС ЗИММАСИДАГИ ИНСОНИЙЛИК БУРЧИ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛМОҒИ КЕРАК. ЧУНКИ ГИЁВАНДЛИК ЎЗИНИНГ ЁВУЗ ЧАНГАЛИНИ ҲАР ТОМОНГА ЁЙИШГА ИНТИЛИБ, ЯНГИ-ЯНГИ ҚЎРБОНЛАРНИ ДОМИГА ТОРТМОҚДА.

Улар келтирган офатлар оилаларнинг бузилишига, ҳали туғилмаган гўдакларнинг келажакда мажруҳ, ногирон бўлиб қолишига, ёшлар умрининг ҳазон бўлишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, гиёвандлик домига тушиб қолаётган ўғил-қизларнинг ҳаёти фожияли яқунланаётгани ташвишлendiri. Айрим ёшлар бугун ўйин-кулгу, енгил-елли ҳаёт измига бўйсуниб, унинг кушандасига, қулига айланиб қолмоқда. Лекин бунинг оқибатида эртага қандай мушхир фоживалар кутаётганини улар ҳеч ўйлаб кўраётганимикин?

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

Бу иллатга қарши курашда ер юзи аҳолиси ҳамжихатликда ҳаракат қилмоқда. Афсуски, дунёдаги барча одамлар ҳам бир хил олижаноб, дили пок ва қалби инсоний ҳис билан яратилган эмас-да. Баъзи нафсини жиловлай олманган кимсалар эътиқоди заиф, иродаси бўш, гиёвандликка мойиллиги бор ёшларни турли қинғир йўллар билан тўзғитишга интириб фойдаланишади. Бундай иллатга қарши курашиш учун ҳозирда аҳоли орасида, оила, мактаб, маҳалла, мутасадди ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигида мунтазам тушунириш ишлари олиб борилмоқда. Бу кўрилаётган чора-тадбирлар ёшларнинг умрига зомин бўлиши мумкин бўлган хавфдан ва турли иллатлардан ҳимояланишида қўл келиши назарда тутилган. Чунки ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш нафақат оилани, балки мамлакат, қолаверса, жамиятнинг ҳам олдида турган асосий ва бирламчи вазифадир. Бу иллатга қарши курашишда аввало ўсиб-ўлғаяётган фарзандларнинг қалбида инсонийлик фазилатларини жо қилиш баробарида, Ватанга, ота-онага, дўстлари ва атрофдагиларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва садоқат каби фазилатларни шакллантирмоқ керак. Асрлар оша сайқал топиб келаётган кадрларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш эса уларни ҳар томонлама етук ва фозил инсонлар бўлиб камол топишларида мумкин асос бўлиб хизмат қилади.

тозлар ва ҳукумат ҳам ўз фарзандларининг тарбиясига маъсуллиги, уларнинг билим олишлари, дунёқарашларининг соғломлигига жавобгар эканлиги кўриниб турибди.

Маънавияти юксак фарзандларни Ватанга содик, меҳр-муҳаббатли, мард ва жасур қилиб тарбиялаш учун онанинг ёнида маҳалла, мактаб, устозлар ҳам бирдек маъсулдилар. Юртинг қўрғонлари мустаҳкам, фарзандлари баркамол ва соғлом бўлиши учун оналаримиз хушёрроқ, оналар билан бирга маҳалла-қўй ороҳ, жамият эса маъсул бўлмоғи лозим.

Давлатимиз раҳбари «Менинг энг катта ишончим, мадад таянчим бу ўсиб келаятиган кўнларимизнинг эртанги кунимизнинг ёруғ истиқболли бўлган ёшларга мустақилликнинг илк кўнлариданоқ алоҳида эътибор қўрсатган эдилар. Мазкур эътибор самарасини эса ёшларга яратилган шарт-шароитларда кузатишимиз мумкин. Ҳозирда уларнинг ҳар томонлама манфаатларини ҳимоялаш учун керакли ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилган. Ёшлар мавжуд имконият ва имтиёзлар асосида ҳаётда ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари мумкин. Қолаверса, мамлакатимиз Президентини ташаббус билан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» ва жорий йилнинг «Ёшлар йили» дея номланган яна бир бор уларга қўрсатилган улкан имкониятлар маъсулдилар.

Шунингдек, «Ёшлар йили» Давлат дастурида ёшларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасида мумкин чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, «Гиёвандликка — қаршимиз, соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» мавзусида ёшлар фестиваллари, интернетда соғлом турмуш тарзи, гигиена, гиёвандлик моддаларини истеъмол қилиш соғлом болалар туғилишига салбий таъсир этиши тўғрисидаги ва бошқа тезкор ахборот бериб бориладиган махсус сайт, «ОИТСга қарши кураш кўни» га бағишланган тадбирлар мажмуи ташкил этиш режалаштирилган. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ишончи ва келажак бўлган ёшларнинг соғлом ва баркамоллигини таъминлаш борасида ҳукуматимиз томонидан барча шароитлар яратилмоқда. Мақсад аждодларимиздан бизга мерос пойдевори мустаҳкам, тинчлиги, ободлиги, осойишталиги барқарор заминнинг бехатарлигини таъминлаш ва асраб-авайлашдир. Эртага бундай шарафли ва залворли вазифани урдалаш келажакимиз бўлган ёшлар қўлида бўлади.

Хусан ҚАЗАКБОВ, Ҳамза туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус

Сўраш, жавоб берамиз

Газетамизнинг «Сўраш, жавоб берамиз» руқнига сиз азиз мухлислардан жуда кўплаб мактублар оламиз ва телефон қўнғироклари орқали боғланамиз. Бугун ҳам ана шундай саволлар битилган мактублар дастаси қўлимизда. Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида Ҳамза туманидаги 1-сонли нотариал идора нотариуси (ҳуқуқшунос) Шукрулло АК-БАРОВга мурожаат қилдик.

Боланинг хусусий мулкка ва турар жойга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида маълумот берсангиз.

Х.Шомуродова, Бектемир тумани

Бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳада, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир.

Шунингдек, ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга, мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қарда бўлишларида қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўладилар.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик, ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 февралда қабул қилинган, Сенат томонидан 24 февралда тасдиқланган қонун асосида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил қилинган эди. Шунга кўра ширкатнинг мол-мулкига нималар қиради?

М.Толипова, Сергели тумани

Ширкатнинг мол-мулки пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, усуналар, асбоб-анжомлар, транспорт воситалари ҳамда ширкат маблағлари ҳисобига ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда олинган ўзга мол-мулкдан, шунингдек, ширкатнинг ер участкасидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларидан иборат бўлади.

Ширкатнинг пул маблағлари қуйидагилардан таркиб топади: ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари; ширкат аъзоларининг ихтиёрий бадаллари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари; тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар (фойда); қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ва тушумлар.


Алоҳида кўп қаватли уйлардаги жой мулкдорлари ширкат аъзоларидан чиққан тақдирда, бу кўп квартирли уйни капитал таъмирлаш учун жой мулкдорлари томонидан маблағларни мақсадли жамғариш ҳисобига тўпланган ширкат пул маблағларининг бир қисми янги тузилаётган ширкатга белгиланган тартибда ўтказилиши керак.

Олий ўқув юртини тугатганимга ҳам бир йил бўлди. Мутахассислигим бўйича ўзим хоҳлаган ишга жойлаша олмадим. Туманимиздаги меҳнат бўлимида иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтганман. Ишга кириб жойлашиб кетганимча ишсизлик нафақасини олишим мумкинми?

С. Абдужаббаров, Мирзо Улугбек тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 65-моддасига биноан ишсизлик нафақаси ишсиз, деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган фуқаро сифатида маҳаллий меҳнат бўлимида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Ишсиз фуқароларнинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтидан бошлаб, кечи билан ўн бир кундан эътиборан юқоридаги қонун асосида кучга қиради.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан: ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган ёки узоқ вақт (12 ойдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган фуқарога 12 ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафта; Илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган фуқарога эса 13 календарь ҳафта мобайнида тўлаи қонунда кўзда тутилган.



**МАШРИҚЗАМИН —  
ҲИҚМАТ БЎСТОНИ**  
АМИР ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ  
ҲИҚМАТЛАР

Агар чумчуқ кабоб бўлишни истар,  
Нафси султон дони томонга қистар.

Дирам деб чўкса тиз шоҳ олдида бот,  
Дарвешлик, мардликка у батамом ёт.

Ким бўлмас ўзидан огоҳ гоҳи гоҳ,  
Ўзгалардан қачон бўлибди огоҳ.

Дунё душманлардан холи қолса ҳам,  
Ишратга берилиб кетмагил ҳар дам.

Заруратда тугсанг май тўла коса,  
Сен май ич, сени май ичмасин роса.

Агар ҳар замонда бўлсанг боданўш,  
Мастликка ҳам хушёр қолосанг не хуш.

Май зўрлик қилади ёшу қарига,  
Мард бўлсанг, сура ол уни нарига.

Бир қатра сувмасми оламда инсон.  
Шу қатра дилида коинот пинҳон.

Одамлик — улуг иш пайида бўлмак,  
Бўлмаса ундай зот одаммас, эшак.

Юксакка интилса қай дил ҳавоси,  
Наздида пастликнинг қолмас баҳоси.

Илм қондаси бор, ўзига хос:  
Жаҳолат, гурурдан этади халос.

Чоқ тикар игна-ку вазни жуда оз,  
Жаҳонгирнинг кескир қиличидан соз.

Дўстликнинг асоси бўларкан маҳкам,  
Замон балосидан халал етар кам.

Кимки қилса ҳар он шарбат нўш,  
Ажабмас, сиркани этса фаромуш.

Ҳар мева дилга тўғри келмайди,  
Ҳар лаззат мазасин ҳар тил билмайди.

Ғаму шодликда ёр бўлса баробар,  
Уни чин дўст ҳисоб этгил, биродар.

Ҳаётда қолдирса ким абадий ном,  
Энг бахтли одам шу, ҳулласи калом.

Бойлик қидириб, кон қазисанг магар,  
Аввал тош-қум чиқар ва сўнгидан зар.

Улуглик шарафин истаган одам,  
Кичикларга айлар ҳиммату қарам.

Кимки ўз ўлимин дилдан этса ёд,  
Ўзга ўлимидан нечук бўлғай шод.

Агар бўлса уйингда арпа нонинг,  
Ўзинг ҳар ёққа урма, сақла жонинг.

Киши дардига ким ҳамдард эмасдир,  
Кишилар наздида у мард эмасдир.

Бирга бўлса шодликда, ғамда,  
Фақат шуни дўст тут оламда.

Замин бошдан-оёқ гар лолазордир,  
Ялангоёқ юрма, тикони бордир.


Кимнинг агар бўлса баланд ҳиммати,  
Эски кийим бирла-да зўр иззати.

**ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**

ШАҲРИМИЗДАГИ «ОЛИМПИА ШОН-ШУХРАТИ» МУЗЕЙИДА КЎПГИНА СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЁШ, ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАРНИНГ ҲАР ХИЛ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАЛАРДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ХИМОЯ ҚИЛГАН ФАҲРИЙЛАРНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ, ЎЗБЕК СПОРТЧИСИ ҲАЛОЛ НОМИНИ ШАРАФЛАШ ТЎҒРИСИДА ҚАСАМЁД ҚИЛИШЛАРИ ҲАМДА УЛАРГА МАХСУС ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ.

Дарҳақиқат, юртимиз спортининг жаҳон майдонларидаги нуфузли ғалабаларини давом эттирувчи метин иродали спорт усталарининг кўлаб етишиб чиқаётгани қувонарлидир. Ушбу тадбирдан сўнг универсал жанг Осие минтакавий халқаро ҳаваскорлар федерацияси томонидан федерациянинг фаол кўмакчилари ва мультимедия, оммавий ахборот воситалари вакиллари Осие китъасида универсал жангни ривожлантириш ишларига қўшган муносиб ҳиссалари учун Фахрий ёрликлар, кубоклар ва бошқа мукофотлар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)  
Суратларда: «Олимпия шон-шухрати» музейида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.  
Алексей Попов олган суратлар



**Қатрлар**

**ФИКР**

Шамол шафтоли шохларини тебратиб силкитади. Ўткинчилардан бири шамолдан хафа: — Эссиз, мевалар. Шунчалик бўлганда дувиллатиб тўкибди-я шамол, уволини билмаса. Боғбон эса шамолнинг ишидан хурсанд: «Мижговларини тўкиб яхши иш қилди шамол. Соғломлари яйраб тўлишади». Ҳар ким бирор кор-холни ўз тушунчаси, фикри бўйича ба-ҳолайди.

**ҚАЙРОҚ**

Мусобақада орта қолганим-га таъна тошини отма, азизим. Барибир мусобақадан хурсандман. Маррага етгунча «рақибим»нинг ҳаракатидаги тажрибасини ўргандим. Ҳайрат, шижоатим қайралди. Пичоқ ҳам ўткир бўлиши учун қайроққа қайралиб тура-ди-ку.

Мусобақа эса ҳаракатимиз-даги энг бебаҳо қайроқдир азизим.

**ФАВВОРА СУВЛАРИ**

Фаввора сувлари кўкка сап-чийди. Томчилар гоҳ ок, гоҳ кизгиш ва кўк тусга айланиб, қанча ҳаракат қилишмасин, ҳовузга шувиллаб тушишади. Томчиларнинг ғайрат, гўзал-лигидан энгил тортаман. Мен-дан хиёл наридаги ўриндиқда ўтирган амакининг юзида эса тундлик. Биров билан уриш-гандек. Кўнглимга ғашлик со-лади. «Чехрасини очиб ўтир-сачи, одам дам олаётганда». — Яхши дам олаётирсизми, отахон. Қайфиятингиз чоғми сувлардан? — кўнглини ёзмоқ-чи бўламан. — Э, қаёқда бўтам. Далада экинга сув етмапти-ю, бу «бе-корчилар» ўзини қаёққа ури-шини билмай баэми-жамшид билан овера... Ана холос. Деҳқон эл, юрт

ташвиши, баракасини ўйлаб фаввора сувлари кўзига «бе-корчи» — ёмон кўриниб турган-да менинг саволим қайфияти-ни баттар бузгандир, дейман хушёр тортиб. Кўлим кўксим-да: — Узр, отахон, — дейман унга меҳрим товланиб. Томчи-лар гоҳ ок, гоҳ кизгиш, кўк тус-га айланиб, чиройини кўз-кўз қилса ҳам отахон ундан баҳра ололмасди.

**ҲАР КИМНИНГ ЎЗ МЎЛЖАЛИ БОР**

Ҳайвонлар озиқ учун, қуш-лар донлаш учун эгилади. Бу-лар табиий. Бироқ одамлар-нинг эгилиши замирида нима мўлжал борлиги ўзига аён. Кимдир уруғ сепиш учун, ким-дир ҳосил териш учун, ким-дир ер бетини тозалаш учун эгилади. Лекин хушомад учун эгилишдан Оллоҳнинг ўзи ас-расин.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

*Ҳурматли Абитуриентлар ва ота-оналар!*

**Тошкент авто-мобиль-йўллар институти ректорати Сизларни 2008 йил 11 июнь ва 21 июнь кунлари соат 10:00 да ўтказиладиган «Очиқ эшиклар» кунига таклиф этади.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 20-уй**  
**Тел: 233-19-25, 233-08-27**

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 11 июль кун соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулк қўйилмоқда:**

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 5 апрелдаги 4898/9-сонли ижро ҳужжати ва ЖСК-1-511/2007-сонли ижро варақага асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 10S70-14 бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган «НИССАН МАКСИМА» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-34 510 000 сўм.**

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси қўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банки-даги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1. Тел: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

**«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'1» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида мамлакатимиз пойтахтида тарихий ёдгорликлар ва қадамжолар реконструкция қилинмоқда, янги иншоотлар қуриш ҳамда жойларни ободонлаштириш, шаҳар ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбектелеком» АКнинг ТSНТТ фирмаси ҳам ободонлаштириш ишларида иштирок этмоқда ва 232/233/236-АТСни янги жойга кўчириш учун тадбирлар режасини бажармоқда.

Маълумотлар учун телефон: 232-01-85  
**«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'1» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Уйингиздаги ўз телефонингиздан 058 рақамини терган ҳолда сиз ўз ҳисобингизда пул маблағларининг мавжудлиги ёки «Ўзбектелеком» компаниясининг ТSНТТ филиалидан қарздор эканлигингизни билиб олишингиз мумкин бўлади.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусов академик лицейи томонидан 2007 йилда Зухуров Одил Камалетдинович номига берилган L № 036399 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'1» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида мамлакатимиз пойтахтида тарихий ёдгорликлар ва қадамжолар реконструкция қилинмоқда, янги иншоотлар қуриш ҳамда жойларни ободонлаштириш, шаҳар ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбектелеком» АКнинг ТSНТТ фирмаси ҳам ободонлаштириш ишларида иштирок этмоқда ва 232/233/236-АТСни янги жойга кўчириш учун тадбирлар режасини бажармоқда.

Маълумотлар учун телефон: 232-01-85  
**«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'1» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Уйингиздаги ўз телефонингиздан 058 рақамини терган ҳолда сиз ўз ҳисобингизда пул маблағларининг мавжудлиги ёки «Ўзбектелеком» компаниясининг ТSНТТ филиалидан қарздор эканлигингизни билиб олишингиз мумкин бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳамда боласи икки ёшга етгунча парварिश қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш тартиби тўғрисида Тошкент шаҳар Молия бosh бошқармаси ва унинг туман бўлимларининг қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин

Туманлар номи	Телефон рақамлари
Учтепа	271-42-15
Бектемир	295-26-29
Миробод	233-65-75
Мирзо Улугбек	269-01-84
Собир Раҳимов	248-36-50
Сергели	258-17-75
Чилонзор	277-97-59
Шайхонтоҳур	241-24-03
Юнусовод	234-66-97
Яккасарой	254-97-26
Ҳамза	296-44-22
Шаҳар бошқармаси	233-82-24

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-506

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3240 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6